

## **8-мавзу:Оқим тезлиги.**

### **Режа:**

- 1.Оқим тезликларининг турлари. Тезликларнинг дарё ва канал чуқурлиги, кенглиги бўйича тақсимланиши. Тезлик эпюраси. Изотаха
- 2.Оқим тезлигини ўлчаш усул ва воситалари. Гидрометрик вертушкалар тарировкаси. Гидрометрик вертушка ёрдамида тезликларни ўлчаш. Нуқтадаги ва вертикалдаги ўртача тезликларни ҳисоблаш.

**Маъruzachi: доцент Д.Назаралиев**

# Сувнинг оқиши тезлигининг тақсимланиши

Дарё ўзанидаги сув массасининг вақт бирлиги ичидаги босиб ўтган масофаси сувнинг оқиши тезлигини ифодалайди.

Сувнинг оқиши тезлигини аниқлаш:

- сув сарфини ҳисоблагандагы
- кўприк ва гидротехника иншоотлари қурилишида
- дарё, кўл, сув омборлари тезлик майдонини ўрганишда мухим аҳамиятга эга


Мавжуд тезликлар:

- бир онли
- ўртача ёки маҳаллий тезликларга бўлинади

Дарё оқимида сув оқиши тезлигининг тақсимланиши қўйидагиларга боғлиқ:


- дарё турига (пастекислик, тоғ дарёлари ва ҳ.к.),
- морфологик хусусиятларига,
- ўзанинг ғадир-будурлигига,
- сув юзасининг нишаблигига

Тезликлар кесими билан чегараланган шакл тезликлар эпюраси деб аталади.



Очиқ (а) ва ёпиқ (қувур) (б) каналларда ўлчангандай ўртача сув тезликларининг тақсимланиш эпюраси.

Сув оқимининг сувли қисмида тезликларнинг тақсимланишини тенг тезликлар чизиги — изотахалар ифодалайди




Дарёнинг кўндаланг кесимида изотахаларнинг тасвирланиши.

# *Дарё оқимида сувнинг оқиши тезлигини тақсимланиши*

- Сувнинг оқиши тезлиги жонли кесма бўйича жуда мурракаб тақсимланган, чунки сув массаси аксарият ҳолатларда турбулент режимли ҳаракатда бўлади;
- Ҳаво билан сув юзасидаги ишқаланиш
- Сув массаси билан ўзан туби орасидаги ишқаланиш

# Тезлик эпюраси. Изотаха



Изотахалар жонли кесмада бир хил тезликдаги нүқталарни туташтирадыган эгри чизиқлар

Гидрометрик паррак(вертушка) ёрдамида тезликларни үлчаш вақтида асосан қуийдаги икки усул қўлланилади:

- 1) нуқта усули;
- 2) интеграцион усул.

**Нуқта усулини** қўллашда чуқурлик вертикалида маълум нуқталар танланади.

Вертушка диаметри ва чуқурликка боғлиқ  
ҳолда нуқталар сонини белгилаш

<b>d = 12-13 см</b>		<b>d = 5- 7 см</b>	
<b>h, м</b>	<b>Нуқталар сони</b>	<b>h, м</b>	<b>Нуқталар сони</b>
> 1,00	5 та	> 6,00	5 та
0,6-1,0	3 та	0,4-0,2	3 та
0,35-0,60	2 та	0,20-0,40	2 та
0,20-0,35	1 та	0,10-0,20	1 та

# *Вертикалдаги ўртача тезликни аниқлаш*

Вертикалдаги ўртача тезликни аниқлаш учун  
қуийдаги эмпирик ифодалар тақлиф этилади:



*5 та нүқтада ўлчанганда*

$$V_{\text{yr}} = 0,1(V_{\text{юз}} + 3V_{0,2h} + 3V_{0,6h} + 2V_{0,8h} + V_{\text{туб}})$$

*3 та нүқтада ўлчанганда*

$$V_{\text{yr}} = 0,25(V_{0,2h} + 2V_{0,6h} + V_{0,8h})$$

*2 та нүқтада ўлчанганда*


$$V_{\text{yr}} = 0,5(V_{0,2h} + V_{0,8h})$$

*1 та нүқтада ўлчанганда*

$$V_{\text{yr}} = V_{0,6h}$$

# *Сув оқиши тезлигини ўлчайдиган қурилмалар*

- Сув оқиши тезлигини түгридан-түгри ўлчашга имкон берадиган қурилмалар (қалқамалар).
- Сув оқиши тезлигини түгридан-түгри ўлчашга имкон бермайдиган, лекин сув режимининг бирорта элементини ёки қурилманинг кўрсаткичини аниқлаш ёрдамида ҳисоблаб топиш. (ГР-21М, ГР-55, ГР-99, ГР-11М, микровертушка ва бошқалар)



*ГР-21 вертушкаси*

## **Гидрометрик паррак(вертушка)**

Вертушка сувнинг оқиш тезлигини ўлчашда қўлланиладиган асбобдир(сувнинг оқиш тезлигини 1-3 % гача хатоликда аниқлаш мумкин ва тезликни жонли кесманинг исталган нуқтасида ўлчаш имконини беради).

### **Гидрометрик вертушка асосий қисмлари:**


- Паррак винти ёки ротор.
- Вертушканинг танаси (корпуси, ҳисоблаш-контакт механизми билан).
- Думи (стабилизатор: 3-расм).

### **Гидрометрик вертушканинг комплекти:**


- Вертушкани сувга тушириш мосламаси,
- сигнализацияни таъминлаш учун мосламалар,
- эҳтиёт қисмлар,
- отвёртка,
- контакт-камераларини тўлдириш учун ёғ
- ишлатиш тартиби ва тарировка гувоҳномаси.

## **Вертушка турлари**


### **Н.Е. Жестовскийнинг Ж-3 русумли вертушкаси**




**ГР-21М русумли гидрометрик вертушка**



**ОТТО—V русумли гидрометрик вертушка**



**С-31 русумли универсал вертушка**




**Микровертушка қайд этувчи микрокалкулятор-таймер билан**



**ГРС-3 стационар гидрологик комплекси**



**Nautilus C 2000 индукцион сув тезлигини ўлчагич**



**ИСП-1М регистраторли сув оқими тезлигини ўлчагич**



**Сув оқими тезлигини ўлчовчи гидрометрик микровертушка ГМЦМ-1**



**C2- кичик гидрометрик  
вертушка**



**OTT Qliner**




**C31-Универсал гидрометрик  
вертушка**



## Пўқаклар(қалқималар) ёрдамида тезликни аниқлаш

Сувнинг оқиши тезлигини аниқлашда қўлланиладиган усуллардан яна бири пўқаклар усулидир. Сув бетида сузувчи ҳар қандай қаттиқ жисм пўқак бўла олади ва ишлаш тамойили, тузилиши, кўринишига қараб турларга бўлинади




- Сув юзаси пўқаклари** сув бетида оқиб боради. Улар ҳозирги кунда стандарт ҳолда ёғочдан айлана ёки қрест шаклда ясалади
- Чукурлик пўқаклари** маълум чукурликдаги тезликларни ўлчаш имконини беради. Бу қалқималар 2 қисмдан иборат бўлади: 1 - қисми енгилроқ бўлиб, сув юзасида ҳаракатланади, 2-қисми эса асосий бўлиб, оғир моддадан ясалади ва маълум чукурликда ҳаракатланади. Улар ўзаро ип билан туташтирилади ва ўртacha тезликни аниқлаш мумкин.

- Интегратор пўқаклар-чуқурлик бўйича ўртacha тезликни аниқлашга имкон беради.**


Масофа ва уни босиб ўтиш учун кетган вақт маълум бўлса, тезлик қуидаги ифода билан ҳисобланади:

$$V_{yp} = \frac{I}{t}$$

- Пўқаклар билан ўлчангандек тезлик ҳақиқий тезликдан катта бўлади(сабаби турбулентликдир). Улар билан тезликни ўлчашда шамолнинг таъсири бўлмаслиги, ўзанда сув ўсимликлари, музлаш ҳодисалари қайд этилмаслиги лозим. Дарё ўзани эса тўғри чизикли кўринишида бўлиши керак.
- Пўқаклардан фойдаланишининг ижобий томони улар ёрдамида қирғоқда туриб сувнинг тезлигини ўлчай оламиз. Сув тошқинлари даврида вертушка билан тезликни ўлчаш хавфли.




# ПҮЙКАКЛАР УСУЛИ




Верхний  
створ

Средний  
створ

Нижний  
створ



# Пўкаклар усули



# СУВ ОҚИМИ ТЕЗЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ ЖАДВАЛИ

Вертикаллар номери	Доимий бошланиш нүктасидан бўлган масофа, м	Инчи чукурлик, м	Вертушкани тушириш чуқурлиги		Штангадан олинадиган саноқ, м	Парракнинг айланнишлар сони	Секундомердан олинган саноқлар,						Айланнишлар суммаси	Айланнишлар сони, айл./с	Нуктадаги тезлик, м/с	Вертикалдаги ўртана тезлик, м/с
			Чукурлик нүктаси	Юза кисмидан бўлган масофа, метрда доверхности			1	2	3	4	5	6				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
1	4,7	1,3	0,6h	0,78	0,52	20	28	57	72	93	110	127	120	0,95	0,22	0,22
3	20,7	3,1	0,2h	0,44	1,76	40	25	50	77	112			160	1,43	0,35	0,30
			0,8h	1,76	0,44	20	21	40	53	70	91	112	120	1,07	0,25	
			0,2h	0,62	2,48	20	27	70	97	127			80	0,63	0,13	
4	28,7	3,5	0,6h	1,86	1,24	40	27	52	81	109			160	1,33	0,86	0,32
			0,8h	2,48	0,62	20	85	160					40	0,25	0,05	
			юзада	0,10	3,40	40	24	51	76	103	127	142	240	1,69	0,41	
			0,2h	0,70	2,80	40	28	52	80	110			160	1,46	0,36	
			0,6h	2,10	1,40	40	30	65	105	140			160	1,14	0,28	
5	36,7	3,2	0,8h	2,80	0,70	20	26	45	74	110			80	0,73	0,16	0,29
			тубда	3,40	0,10	20	20	36	52	68	91	118	120	1,02	0,24	
6	44,7	0,9	0,6h	0,54	0,36	40	27	64	100	130			160	1,26	0,30	0,30

# Мустақил иш топшириқлари:

1. Гидрометрия фанининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Гидрометрияниң тадқиқот усулларини айтиб беринг.
3. Гидрометрия ўрганадиган сув объектларига боғлиғ холда қандай қисмларга бўлинади?
4. Гидрометрик ишларниң асосий таркибий қисмлари нималардан иборат?
5. Гидрометрик кузатиш маълумотларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти нималардан иборат.